

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ

КИРЪЯКИДУ ЭЛЬВИРА ХРИСТОС

**ЎСМИРЛИК ДАВРИДАГИ ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ НУТРИТИВ
СТАТУСИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.38 - Спорт тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Кирьякиду Эльвира Христос

Ўсмирлик давридаги дзюдочиларнинг
нутритив статусини ўзига хос хусусиятлари..... 5

Кирьякиду Эльвира Христос

Особенности нутритивного статуса
дзюдоистов подросткового возраста 29

Kiryakidu Elvira Xristos

Features of the nutritional status
of teenage judo athletes 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ

КИРЪЯКИДУ ЭЛЬВИРА ХРИСТОС

**ЎСМИРЛИК ДАВРИДАГИ ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ НУТРИТИВ
СТАТУСИНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.38 - Спорт тиббиёти

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib2021 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sportmed.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизова Феруза Лютпиллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Нодир Ботирович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Ачкасов Евгений Евгеньевич
тиббиёт .фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али Ибн Сино номли
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2009.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93, e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03.

Диссертация автореферати 2024 йил «__» «_____» кунлари тарқатилди.

(2024 йил «__» «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Мавлянов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Э.Махмудов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.А.Хаджиметов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда, замонавий спортда юқори натижаларга эришиш учун экстремал шароитларда олиб бориладиган жисмоний машғулотлар ва зўриқишларнинг спортчилар саломатлигига таъсири ўртасида ижобий мувозанат зарурлиги катта аҳамиятга эга. БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги 65/1-сонли резолюциясида белгиланишига кўра, «...Минг йилликни ривожлантириш Декларациясида, спорт ривожланиш мақсадларига эришишга ҳисса қўшади ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир»¹. Ўсмирлар спорт контингентининг баркамол ривожланишини шакллантириш учун машғулот юкламаларини танлаш, меҳнат ва дам олиш тартиби, мувозанатли овқатланиш каби муаммоларни ҳал қилиш керак. Ушбу компонентларнинг барчаси "спортчининг овқатланиш ҳолати" тушунчасини ташкил қилади. Ўсмир спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолаш масаласи ҳал этилмаган ва долзарб муаммо бўлиб, унинг ҳал этилиши саломатликни сақлаш ва спорт маҳоратини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ўсмир ёшдаги дзюдочиларнинг нутритив статусини ўзига хос хусусиятларини баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада антропометрик ва функционал кўрсаткичлар асосида дзюдочиларнинг нутритив статуси, макронутриент таркиби ва энергия сарфи кўрсаткичлари асосида уларнинг фактик овқатланишини таҳлил қилиш, жисмоний машғулотлар жараёнида энергия сарфи, назорат-педагогик синамалар асосида жисмоний тайёргарлик даражаси ҳамда комплекс таҳлил асосида уларнинг нутритив статусини баҳолаш мезонларини аниқлаш дастурини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, спортчилар орасида қатор ўзгаришларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ўсмир ёшдаги дзюдочиларнинг нутритив статусини ўзига хос хусусиятларини оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан

¹ БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги 65/1-сонли резолюциясида. Спорт тинчлик ва тараққиёт манфаати учун: спорт ва олимпия идеаллари тимсоли орқали дунёда тинчлик ўрнатиш ва бахтли ҳаёт қуришни тасдиқлаш.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 118-сон қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жисмоний машғулотлар жараёнини бошқаришда овқатланиш ҳолатини баҳолаш муаммолари спорт билан фаол шуғулланадиган ўспиринларнинг соғлиғини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга, уларнинг натижалари спорт маҳорати даражасини оширишга ёрдам беради. Ҳозирги кунда спортчи болалар ва ўспирин ёшдагиларни тўғри овқатланишини баҳолашга бағишланган илмий ишлар сони ортиб бормоқда (Potgieter S., 2013). Мактаб ёшидаги болаларнинг овқатланиш тизимини қайта ташкил этиш глобаллашув фонида ўсиб бораётган организм учун янада қулай шароитлар яратишнинг асосий омилидир (McAdam J., 2018). Доимий ва юқори жисмоний юкламалар натижасида овқатланиш рационали мутаносиблигининг бузилиши, спортчининг саломатлиги ҳолати ва натижадорлигига салбий таъсир кўрсатади (Bratland-Sanda S., 2013).

Кўплаб муаллифларнинг инсон овқатланиши бўйича илмий тадқиқотлари битта тезисга тўғри келади: диетани шакллантиришдаги бузилишлар организмга салбий таъсир қилиши (Азизбекян Г.А., 2019; Дмитриев А.В., 2020; Токаев Э.С., 2021; Выборнов В.Д., 2021). Асосий макроэлементлардаги диетанинг мувозанати, яъни оқсиллар, ёғлар ва углеводлар; сарфланган ва истеъмол қилинадиган энергия мувозанати; витамин ва минерал таркибининг номувофиқлиги; диетани бузиш - буларнинг барчаси соғлиқнинг ёмонлашиши, иммунитет тизими фаолиятининг пасайиши ва сурункали касалликлар пайдо бўлишининг асосий сабабларидир (Кулназаров А.К., 2019). Айрим муаллифлар спортчи диетасининг энергия интенсивлиги энергия сарфининг 10-15% кўпроқ қоплаши кераклигини таъкидлайдилар (Борисевич Я.Н., 2018). Ҳозирги пайтда дунёда ёш авлоднинг уйғун жисмоний

ривожланиш муаммосини ҳал қилиш вазифаларига овқатланиш тартибини ташкил қилиш, шунингдек, маълум бир озикланиш турига генетик мойилликни ўрганиш ҳам киради (Волков Н.И., 2020). Ҳозирги замон ўсмир спортчилар учун овқатланишнинг асосий муаммоси - бу овқатланиш тартибини бузиш, зарарли озик-овқатларни танлаш (“фаст-фуд”, газланган ичимликлар), кукун шаклидаги спорт озукаларини назоратсиз қўллаш ва натижада, уларнинг етарли даражада овқатланмаслиги ёки ортиқча овқатланишига олиб келишидир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, бундай овқатланиш спортчининг соғлиғига, жисмоний ва функционал тайёргарлигига салбий таъсир қилади.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида овқатланиш ва нутритив статусни баҳолаш борасида қатор тадқиқотлар ўтказилган (Д.Ш. Алимухамедов, 2018; Н.Ж. Эрматов, 2020; Р.Т. Камилова, 2021; Г.И.Шайхова, 2023), бироқ ўсмир ёшдаги дзюдочилар нутритив статусининг ўзига хос хусусиятлари баҳоланмаган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон эшкак эшувчилар терма жамоасини йиллик энергия сарфини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот олиб борилмоқда (А.В. Мальков, 2022). Ўтказилган тадқиқотларга кўра, спортчининг овқатланишига индивидуал ёндошув, самараси юқори эканлиги, айниқса нутритив-метаболик қўллаб-қувватлашни тўғри ташкил этилса, спортчи организми фаолияти ва ишчанлигининг ошиши исботланган (А.М. Халилов, 2018). Бунда организмни жисмоний юкламаларга адаптацион жараёнларини баҳолаш мақсадида спорт натижаларини лаборатор ва клиник кўрсаткичларини таққослаш ва таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди (Б.Э. Тухтаров, 2018; И.О. Отажонов, 2021).

Жаҳонда эпидемиологик характерга эга бўлган, болалар ва ўсмирлар спортидаги овқатланиш муаммоларини ўрганиш бўйича қатор, устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар озукавий касалликларнинг эпидемиологик пайдо бўлиши контекстидаги муаммоларни ўрганади. Ўсаётган организмда нотўғри ташкил этилган овқатланиш асосий тизимларга таъсир қилади; мавжуд маълумотлар кўрсатадики мушак-скелет, асаб ва кардиореспиратор тизимига салбий таъсир қилади. Асосий тана тизимларининг ишдан чиқиши билан бир қаторда, нотўғри овқатланиш ҳам ўсмирнинг психо-эмоционал ҳолатига таъсир қилади ва шу билан психосоматик касалликларни келтириб чиқаради. Ўсмир спортчилар нотўғри овқатланишнинг салбий таъсирига икки баравар сезгир, чунки улар доимо қўшимча жисмоний фаолият таъсирида бўлиши борасидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ оширилди ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети қошидаги Реабилитация ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти фаолиятига мувофиқ 5436012000261-сонли “Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва

Ўсмирлар соғлиғини сақлаш соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш” илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади овқатланиш рационини оптималлаштириш ва спорт ютуқларини ошириш мақсадида ташкиллаштирилган овқатланиш режими бўлмаган ўсмир ёшдаги спортчи-дзюдочиларда нутритив статусни баҳолаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

антропометрик ва функционал кўрсаткичлар асосида спортчи-дзюдочиларнинг нутритив статусини баҳолаш;

дзюдо билан шуғулланувчи спортчиларнинг ҳақиқий овқатланишини таҳлил қилиш ва уларнинг жисмоний машғулотлар жараёнидаги энергия сарфини баҳолаш;

назорат-педагогик синамалар асосида дзюдочиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;

ўтказилган тадқиқотларни комплекс таҳлил қилиш асосида спортчи-дзюдочиларда нутритив статусни баҳолаш мезонларини аниқлаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳар 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари «Pantera спорт» дзюдо секциясида шуғулланувчи, ўқув-машғулотидаги 116 нафар ўғил бола дзюдочилар олинган бўлиб, уларнинг ўртача ёши $12,42 \pm 0,06$ ёшни ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўсмир дзюдочиларнинг нутритив ҳолатини аниқлаш, овқатланишнинг жисмоний ва функционал ривожланиш, спортга тайёргарликка таъсирини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда антропометрик, соматометрик, физиометрик, соматоскопик, Пинье ва Брокка-Бруша индекслари, гигиеник, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмир ёшдаги дзюдочилар энергия сарфининг овқатланиш рационидagi асосий макронутриентлар бўйича номутоносиблиги ва номувофиқлиги уларнинг тартибсиз (ташкиллаштирилмаган) овқатланиши билан боғлиқлиги исботланган;

ўсмир ёшдаги дзюдочилар орасида жисмоний тайёргарликнинг паст даражаси асосий макронутриентлар ва энергия истеъмолининг номувофиқлиги билан боғлиқлиги аниқланган;

ўсмир дзюдочиларнинг тайёргарлик даражаси, ўқув цикли доирасида жисмоний юктамаларнинг бир хил ҳажми ва интенсивлиги уларда энергияга бўлган эҳтиёжнинг турличалиги билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор спортчининг мусобақага тайёргарлик даражасини баҳолашда, улар организми морфофункционал параметрлари, ёши ва ҳақиқий овқатланишини ҳисобга олган ҳолда, ўсмирлар спорт контингентининг овқатланиш ҳолатини экспресс-баҳолаш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ташқиллаштирилмаган ҳолда овқатланадиган ўсмир спортчиларнинг рационал ва мувозанатли овқатланиши устидан назорат самарадорлиги оширилган;

ўсмирлар спорт контингентининг овқатланиш ратциони ва режимини коррекциялашнинг самарали усули яратилган;

спортчиларнинг рационал овқатланишини такомиллаштириш бўйича тавсиялар спорт шифокорлари ва мураббийларининг кундалик амалиётига жорий этилган;

дзюдочиларнинг нутритив ҳолатини тезкор-баҳолаш учун электрон ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган ва ўсмирлар спорт мактаблари шифокорлари фаолиятига жорий этилган;

жисмоний машғулотлари самарадорлигини ошириш учун ҳар чоракда ўсмир спортчиларнинг нутритив ҳолатини кузатиб бориш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, аналитик, антропометрик, соматометрик, физиометрик, соматоскопик, Пинье ва Брокка-Бруша индекслари, статистик тадқиқот усуллар асосида ўсмир ёшдаги дзюдочиларнинг нутритив статусини ўзига хос хусусиятларини оптималлаштирилиши, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти спорт контингентининг ташқиллаштирилмаган овқатланишини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, ўсиб бораётган организмнинг жисмоний ва функционал ҳолатини кузатишга алоҳида эътибор қаратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти спортчиларнинг нутритив статусини баҳолаш асосида жисмоний фаолият билан шуғулланиш жараёнини оптималлаштиришни ўз ичига олиши ҳамда ўспирин спортчиларда спорт жароҳатлари ва юқори юкламаларнинг профилактикасини олдини олиш ва амалий таклифлар бериш бўйича ва уларни соғлом овқатланишларини ҳисобловчи электрон-ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўсмир ёшдаги спортчиларнинг нутритив ҳолатининг тиббий ва биологик аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

спортчилар овқатланишини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Спортчиларни рационал овқатланишини такомиллаштириш бўйича тавсияномалар» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 8н-р/50-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома нутритив статусни комплекс баҳолаш ҳисобига спортчиларнинг тезлик, абжирлик, чидамлилиқ каби жисмоний хусусиятларини самарали ошириш имконини берган;

спортчиларни соғлиғини сақлаган ҳолда уларни муваффақиятларга эришишини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон баскетбол федерацияси (2021 йил 05 ноябрдаги тadbик этиш далолатномаси) ва Тошкент шаҳар 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (2021 йил 29 октябрдаги тadbик далолатномаси) спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлар амалиётларига жорий қилинган (Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 10 апрелдаги 72-сонли Эксперт кенгаши баённомаси).

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 10 апрелдаги 72-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни Ўзбекистон баскетбол федерацияси ва Тошкент шаҳар 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига жорий қилинганлиги ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 8н-р/50-сон маълумотномаси):

Биринчи илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор ўсмир ёшдаги дзюдочиларда кундалик (ҳақиқий) овқатланиш ва энергия сарфини замонавий усуллар орқали ўрганиш натижасида овқатланиш рационининг номувофиқлиги ва асосий макронутриентлар бўйича номутаносиблиги аниқланган, ҳамда уларнинг тартибсиз (ташқиллаштирилмаган) овқатланиши билан боғлиқлиги исботланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти** шундаки, олинган натижалар ёш спортчиларнинг жисмоний ривожланиши ва соғлиғининг ҳозирги ҳолатини аниқлайди ва амалий тиббиётда соғлиғини яхшилаш ва спорт ютуқларини ошириш, шунингдек нотўғри овқатланиш билан боғлиқ спорт жароҳатларининг олдини олиш воситаси сифатида ишлатилиши мумкин. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** дзюдо бўйича ўсмир спортчиларнинг ҳақиқий овқатланиши ва энергия истеъмоли макронутриент таркибини таҳлил қилиш усули Ўзбекистон баскетбол Федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари ҳамда Тошкент шаҳар 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби амалиётига тadbик этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги 8н-р/168-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** шундан иборатки, ёш спортчиларнинг макронутриент таркиби ва энергия истеъмоли бўйича ҳақиқий овқатланишни таҳлил қилиш усулини қўллаш соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодиёт ва жамиятнинг спорт ютуқларига комплекс ижобий таъсир кўрсатади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** спортчиларни тайёрлаш даражасининг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш «харажат-фойда таҳлили (ХФТ)» усули ёрдамида амалга оширилди. Ҳисоблаш жараёнида спортчиларнинг морфофункционал ҳолатидан, диетанинг антропометрик ва физиологик кўрсаткичларидан фойдаланиш натижасида олинган харажатлар ва иқтисодий фойда нисбати ҳисоблаб чиқилди, спортчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олинди. (Б1-Б2), бу ерда: Б1 ва Б2 чуқур тиббий кўриклар ва морфофункционал кўрсаткичлар омили ва таҳлили асосида истиқболли спортчиларни танлаш учун фойдалидир; Ҳисоб-китоблари: Б1-10

чуқурлаштирилган тиббий кўрик нархи – 1 200 000 сўм; Б2-овқатланиш ҳолати 22 кўрсаткичининг нархи 170 000 сўм, кейин $1\,200\,000 - 170\,000 = 1\,030\,000$ сўм. **Хулоса:** ушбу усулни жорий этиш натижасида чуқурлаштирилган тиббий кўрик қиймати овқатланиш ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилиш нархидан 1 030 000 сўмга ошади. **Иккинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** ўсмир ёшдаги дзюдочилар орасида жисмоний тайёргарликнинг паст даражаси асосий макронутриентлар ва энергия истеъмолининг номувофиқлиги эканлиги билан боғлиқлиги асосланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** спорт тажрибаси, ҳар бир машғулот учун энергия сарфи, ҳақиқий овқатланиш ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари ўртасидаги узвий боғлиқлик самарали ўқув ва овқатланиш дастурларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ёш спортчиларнинг уларга хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда овқатланиш ва машғулот жараёнини оптималлаштириш учун шароит яратади, бу эса охир-оқибат умумий саломатлик ва касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** дзюдо бўйича ўсмир спортчиларнинг ҳақиқий овқатланиши ва энергия истеъмоли макронутриент таркибини таҳлил қилиш усули Ўзбекистон баскетбол Федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари ҳамда Тошкент шаҳар 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби амалиётига татбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги 8н-р/168-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** олинган тадқиқот натижаларидан фойдаланиш саломатликка ижобий таъсир кўрсатиши, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашидадир. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ноаниқлик хавф омили (шикастланиш, ортикча жисмоний юклама, умумий жисмоний кўрсаткичларнинг пасайиши ва бошқалар) машғулотларда ва мусобақаларда камаяди, бу ҳар бир спортчи учун вақтинча ишга лаёқатсизлик кунлари сонини камайтиради. **Хулоса:** дзюдо бўйича ўсмир спортчиларнинг ҳақиқий овқатланиши ва энергия сарфининг макронутриент таркибини таҳлил қилиш усулини спорт федерациялари диетологлари амалиётига жорий этиш натижасида ортикча иш ва жисмоний юкламалар билан боғлиқ жароҳатлар сони камайди. Ҳар бир спортчига 630 000 сўмлик қўшимча тиббий хизмат нархини пасайтиришга эришилди. **Учинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** ўсмир дзюдочиларнинг ўқув машғулотлар жараёни ҳажми ва интенсивлиги бўйича бир хил жисмоний юкламалар билан шуғулланишига қарамасдан уларда энергияга бўлган эҳтиёж турлича эканлиги исботланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти** шундаки, ёш спортчини жисмоний тайёргарлиги даражасига қараб, уни етарли энергия билан таъминлаш учун оптимал овқатланиш рационини аниқлашдан иборат, чунки бу кейинчалик унинг спорт ютуқларига таъсир қилади. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** дзюдо бўйича ўсмир спортчиларнинг ҳақиқий овқатланиши ва энергия истеъмоли макронутриент таркибини таҳлил қилиш усули

Ўзбекистон баскетбол Федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари ҳамда Тошкент шаҳар 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби амалиётига татбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги 8н-р/168-сонли хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги шундан иборатки, спортчини индивидуал хусусиятларига асосланган рационал энергия алмашинуви бўйича таклиф этилган тавсияномаларни тadbиқ этиш, машғулотлар жараёнини шакллантиришда мураббий ва спорт диетологлари фаолиятида катта аҳамиятга эга. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ёши ва спорт стажига мос равишда рационал овқатланувчи спортчиларнинг мусобақаларда спорт кўрсаткичларини ошириши аниқланди. Машғулотлар жараёнида ҳаддан ташқари кўп юкламалар бажариш хавфи ҳолатлари 14-23% га ошади. Спортчиларни қўшимча реабилитация қилиш учун давлат бюджетидан ҳар бир спортчига йилига ўртача 863 156 сўм маблағ сарфланиши аниқланди. **Хулоса:** ўсмир дзюдочи спортчиларнинг машғулотлари жараёнида энергия сарфини ҳисобга олган рационал овқатланишни такомиллаштириш бўйича тавсияларни тadbиқ этиш, уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини оширади ва жароҳатланиш хавфини камайтиради, яъни ҳар бир спортчи учун ўртача йилига 863 156 сўм тежаш имконини беради. **Тўртинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** илк бор спортчининг мусобақага тайёргарлик даражасини баҳолашда, улар организми морфофункционал параметрлари, ёши ва ҳақиқий овқатланишини ҳисобга олган ҳолда, ўсмир ёшдаги спортчилар овқатланиш ҳолатини экспресс-баҳолаш дастури ишлаб чиқилган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ўсмир спортчиларнинг спорт кўрсаткичларини ошириш, машғулотлар ва мусобақалардан сўнг тикланиш вақтини қисқартириш мақсадида уларнинг морфо-функционал профилига қараб овқатланиш ҳолатини назорат қилишнинг янада самарали дастурини яратишдир. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** дзюдо бўйича ўсмир спортчиларнинг ҳақиқий овқатланиши ва энергия истеъмоли макронутриент таркибини таҳлил қилиш усули Ўзбекистон баскетбол Федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлари ҳамда Тошкент шаҳар 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби амалиётига татбиқ этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 13 апрелдаги 8н-р/168-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ўсмир спортчилар контингентини овқатланиш ҳолатини тезкор баҳолаш дастурини киритишдан иборат бўлган спорт контингентининг овқатланиш ҳолатини баҳолаш, уларнинг спорт маҳорати даражасини оширади ва соғлиғини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ишлаб чиқилган ёш спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолаш дастурини амалга ошириш орқали умумий иқтисодий фойда барча харажатлар ва потенциал фойдаларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланди, спортчи соғлиғининг фойдали қийматининг иқтисодий самарадорлиги (13% га юқорилиги - бир ўқув йили давомида) аниқланди. **Хулоса:** ёш

спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолашнинг ишлаб чиқилган дастур асосида умумий иқтисодий фойда 427812 сўмни ташкил этгани аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари жами 12 та, жумладан 10 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мувофиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётган жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Спортчиларда нутритив статусни шакллантириш муаммолари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммога бағишланган хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар таҳлили берилган, муаммонинг ҳозирги ҳолати ўрганилган, спортчилар нутритив статуси ҳақида маълумотлар, ҳамда нутритив статусни баҳолашнинг замонавий ёндашувлари, организм ўсиши ва ривожланишида тўғри овқатланиш роли, ёш спортчи-яккакурашчиларни энергия сарфи усуллари муҳокама қилинган.

Диссертациянинг «**Контингентни ўрганиш методлари, тадқиқотнинг ҳажми ва характеристикаси (Тадқиқот материаллари ва усуллари)**» деб номланган иккинчи бобида ушбу тадқиқот давомида тадқиқот материаллини ташкил этган контингент (ёш спортчи-дзюдоистлар)нинг характеристикаси, ҳамда қўлланилган усуллар ҳақида тўхталиб ўтилган. Ретроспектив ўрганишлар 2019 – 2020йй. давомида Тошкент шаҳрида жойлашган шаҳар ўсмирлар диспансери (ШЎД) да, чуқурлаштирилган тиббий кўрик (ЧТК) да дзюдо спортчиларнинг анкета маълумотлари, (n=342) врач – назорати карталари асосида амалга оширилди. Тадқиқот гуруҳларини шакллантириш ва ўрганишни олиб бориш учун спорт малака разряди 1 дан 3 гача бўлган, ўқиш – машғулотлари давом этаётган, махсус спорт тури (дзюдо) билан шуғулланувчи 116 нафар спортчилар танлаб олинди. Барча текширувчиларнинг 12 – 13 ёшли ўғил болалар ўртача ёш -

12,42±0,06 ни ташкил этди. Тадқиқот йил давомида икки (ёзги ва қишки) мавсумда ўтказилди. Тадбиқ этилувчи контингент (ўсмир - дзюдочилар) спорт малакасига кўра 3 гуруҳга ажратилиб, ўртача - 2,79±0,11 йилни ташкил қилди.

I гуруҳга (n=28) спорт тажрибаси 6-12 ой (0,80±0,12 ой), ўртача ёш - 12,0±0,1 ёш; II гуруҳга (n=33) - спорт тажрибаси 1-2 йил (1,81±0,06 йил), ўртача ёш - 12,22±0,10 ёш; III гуруҳ (n=55) спорт тажрибаси – 2-3 йил (3,29±0,09 йил), ўртача ёш - 12,53±0,07 ёш бўлган спортчиларга ажратилди (1-расм).



1 - расм. Дзюдочи – спортчиларнинг тадқиқот гуруҳларига тақсимланиши

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига кўра ўсмирларнинг жисмоний ва функционал ривожланишини антропометрик ва функционал кўрсаткичлар, овқатланиш ва энергия сарфи асосида баҳолавчи дастур ишлаб чиқилди. Дзюдочи спортчиларнинг нутритив статусини аниқлашда дастурнинг кетма – кетлигида қуйидаги усуллардан фойдаланилди: - антрометрик ва физиометрик усуллар ёрдамида жисмоний ривожланишни баҳолаш; - спортчиларнинг амалдаги овқатланишини анкета – саволномалари ва ҳафта давомидаги 24 – соатлик овқатланишини мониторинг усулида аниқлаш; спортчиларнинг энергия сарфини суткалик ва 1 машғулотда қанча энергия сарфлашини аниқлаш.

Ўсмир – спортчи ёшларнинг овқатланиш ҳолатини аниқлашда энг осон ва қулай усул жисмоний ривожланиш кўрсаткичини баҳолаш бўлиб, ушбу мақсадда бўй, тана вазни, тинч ҳолатда кўкрак қафасининг айлана ўлчами, ёғ бурмасининг қалинлиги, иккала билак динамометрияси, бел мушакларининг кучи каби кўрсаткичлардан фойдаланилди. Ҳисоблаш усули билан тана массаси индекси (ТМИ) ва ёғ компоненти аниқланди. Ўсмир ёшдаги дзюдочи спортчиларнинг овқатланиш рақибонидаги энергетик қийматини баҳолаш калиперометрия усули ёрдамида амалга оширилиб, тананинг ёғ ва ёғсиз

массасининг процент нисбати ўрганилди. Тана ёғ массасининг (ТЁМ) нисбати М.Х.Слотер формуласи бўйича: ўғил болалар учун $T\ddot{E}M (\%) = 0,735 \times (\text{трицепсдаги } T\ddot{E}B + \text{болдир ички томони } T\ddot{E}B) + 1,0$, бунда ТЁБ– тери – ёғ бурмаси (мм). Тана тузилишининг кўрсаткичи Пинье индекси бўйича ҳисобланган тана узунлигининг, масса ва кўкрак қафасининг нафас чиқаргандаги йиғиндисига нисбати асосида аниқланди. Спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолаш ЖССТ (2011 й.) томонидан тавсия этилган энг оддий ва қулай усул, тана массаси индекси асосида ҳисобланди. Вазн – бўй индекси Брокка–Бруша индекси формуласи бўйича ҳисобланди. Спортчиларнинг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида механик спирограф ёрдамида ўпканинг тириклик сифими (ЎТС), билак ва тана мушакларининг динамометрия (динамометр ёрдамида)си каби физиоетрик кўрсаткичларнинг таҳлили асосида баҳоланди.


Олдинга қўйилган вазифалардан келиб чиқган ҳолда энергия сарфининг мониторинги (1 ҳафталик) (суткалик мониторинг ва 1 машғулотда ккал ҳисоби) Xiaomi Mi Band 5 фитнес – трекери ёрдамида аниқланди. Фитнес – трекернинг 3 ўқли акселерометри ва гироскопи мавжудлиги эвазига сарфлаётган калориялар ҳисоби амалга оширилди. Машғулот жараёнлари, кураш тушиш вақтида мослама эластик бинт ёрдамида билак соҳасига фиксация қилинди. Олинган кундалик энергия сарфининг натижалари спортчилар томонидан онлайн тарзда скриншот (расм ёки экран суръати) қилиниб, Telegram-мессенджери орқали юборилди.

Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида стандарт назорат машқлар тўплами (30 м га югуриш, 800 м га югуриш, турникда тортилиш, жойида турган ҳолатда узунликга сакраш) дан фойдаланилди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили тиббий вариацион статистика усули ёрдамида, EXCEL электрон дастурлаш тизими орқали қайта ишланиб, ўртача арифметик қиймат (M), стандарт хатолик (m); абсолют қийматлар (частота % ларда); Стьюдент мезони (t), ҳисоблаб чиқилиб, хатолик эҳтимоллиги (P) аниқланди. Статистик қийматларнинг ўзгаришида ишончлилик даражаси $P < 0,05$ қўлланилди. Тадқиқот натижалари кичик намуналар усули билан ҳисоблаб чиқилган бўлиб, клиник ва лаборатор тадқиқотлар натижаларини статистик қайта ишлаш бўйича мавжуд кўрсатмаларга риоя қилинган.

Диссертациянинг «**Ёш дзюдочиларнинг нутритив ҳолатини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида дзюдочи–спортчиларнинг овқатланишини баҳолаш, функционал ҳолатини ўрганиш ва йилнинг икки мавсумида ёғ ва озғин тана оғирлигини баҳолаш, 12–13 ёшли дзюдочиларнинг овқатланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш, спортчи–дзюдочиларнинг энергия сарфини ва назорат – педогогик синамаларини ўрганиш келтирилган.


Антропометрик, физиоетрик ва функционал ўлчовлар натижасида жисмоний ривожланишнинг даражаси аниқланди (2-расм).




2-расм. Дзюдочи–спортчиларнинг қишки ва ёзги даврдаги антропометрик натижаларининг таҳлили

Ўрганилаётган уч гуруҳда қишки ва ёзги даврда олинган антропометрик натижалари бўй, тана вазни, кўкрак қафасининг айланаси кўрсаткичлари орасида етарлича фарқ аниқланмаганлиги бу гуруҳларда таққосланишни кўрсатади.

Спортчиларнинг ЎТС, билак динамометрияси ва бел мушаклари кучи натижалари пастда кўрсатилган (3- ва 4-расм).




3 - расм. Дзюдочи–спортчиларнинг қишки ва ёзги даврлардаги физиометрик кўрсаткич натижалари



4-расм. Дзюдочи–спортчиларнинг қишки ва ёзги даврда ЎТС кўрсаткичлари

Кўришиб тўрибдики, ўрганилаётган гуруҳларда жисмоний ривожланиш таҳлили билан кучида ҳам, бел мушакларида ҳам етарлича фарқ кўрсатмади.

Пинье формуласи, Брокк – Бруш формуласи асосидаги вазн – бўй кўрсаткичи ва ТОИ ёрдамида олинган натижалар, антропометрик натижалар (бўй, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси) асосида дзюдочиларнинг тана тузилиши кўрсаткичлари олинди (5- расм).




5- расм. Дзюдочи–спортчиларнинг қишки ва ёзги даврда индекс кўрсаткич натижалари

Спортчиларнинг тана тузилиши мустаҳкамлиги индексини урта гуруҳда қишки даврда солиштирилганда II ва III гуруҳларда етарлича $t=2,12$ фарқ

аниқланди, ТОИ ва вазн – бўй кўрсаткичларида фарқлар аниқланмади. I ва II гуруҳдаги текширилувчиларда тана тузилишининг мустаҳкамлик индекси заиф, III гуруҳда эса қониқарсиз деб эътироф этилди. Учта гуруҳнинг ёзги даврда тана тузилиши мустаҳкамлик индекси кўрсаткичлари I ва III гуруҳларда заиф, II гуруҳда эса – қониқарсиз эканлиги аниқланиб, гуруҳлар ўртасида етарлича фарқ топилмади. ТОИ ёзги даврда учта гуруҳда ҳам етарлича фарқ қилмаган ва нормал кўрсаткичларга мос келган.

Спортчиларда тананинг ёғли ва озгин вазни (ЖМТ и ТМТ) ўрганиш ва баҳолаш машғулот жараёнининг самарадорлиги кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу мақсадда спортчиларнинг ёғ бурмаларида калиперометрик ўлчовлар амалга оширилди (6 -расм).



6 - расм. Дзюдочиларда қишки ва ёзги даврда компонент кўрсаткичларининг таҳлили

Таҳлил натижаларига кўра ёзги даврда тадқиқот гуруҳларидаги спортчиларда тананинг ёғсиз массаси кўрсаткичларида фарқлар кузатилмади. Бирок, тананинг ёғсиз массаси кўрсаткичларини йилнинг ёзги ва қишки мавсумида солиштирилганда, II гуруҳда ($t=3,09$) ва III гуруҳда ($t=3,55$) кўрсаткичли фарқ аниқланиб $p<0,05$ даражада қайд этилди (1-жадвал).

1-жадвал


Дзюдочи спортчиларда тана ёғсиз ва ёғ массасининг қиёсий таҳлили

Тадқиқот гуруҳлари	кўрсаткич	t	p
I гуруҳ, n=28	ёғсиз масса	1,08	0,31
	ёғ массаси	1,99	0,082*
II гуруҳ, n=33	ёғсиз масса	2,55	0,016*
	ёғ массаси	0,87	0,393


III гуруҳ, n=55	ёғсиз масса	3,09	0,003*
	ёғ массаси	1,34	0,182

Кўриниб тўрибдики, тананинг ёғ массаси кўрсаткичларидаги фарқ II ва III гуруҳларда иккала мавсумда ҳам етарлича фарқ қилмаган. Бироқ ушбу кўрсаткич ёзги ва қишки мавсумнинг қиёсий таҳлилида I гуруҳда (спортчиларнинг спорт малакаси 1 йилгача) етарлича қийматда ($t=1,99$) фарқ қилади.

Тадқиқот гуруҳидаги дзюдочиларнинг овқатланиш рациони асосий макронутриент (О/Ё/У) кўрсаткичлар, ҳамда энергия сарфининг килокалориялардаги кўрсаткичлари асосида олиб борилди (7 ва 8- расмлар).




7- расм. Овқатланишнинг макронутриент таркибига кўра 00қишки ва ёзги даврда таҳлили



8- расм. Энергия сарфининг қишки ва ёзги даврдаги таҳлили

Овқатланишнинг макронутриент таркибига кўра қишки ва ёзги даврда таҳлилига асосан қўйидаги натижалар аниқланди: спорт малакаси 1–2 йил бўлган спортчилар гуруҳида ёғ кўрсаткичининг фарқ қиймати ($t=2,73$) ташкил этди. III гуруҳ дзюдочи спортчиларда ёзги ва қишки даврда овқатланишида оқсилларнинг фарқ қиймати ($t=7,62$) эканлиги аниқланди. Тадқиқот гуруҳларининг икки мавсумда овқатланиш энергетик қийматининг қиёсий таҳлили спорт малакаси уч йилдан ортиқ дзюдочиларда ($t=5,81$) ва 1–2 йил малакага эга гуруҳда ($t=1,96$) фарқ қийматларини кўрсатди. Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, қишки мавсумда уй шароитида овқатланиш (яъни уюлмаган) уюшган (ёзги мавсум)га нисбатан 16,1% паст бўлиб, ушбу йўналишда тадқиқотлар давом этиши, ҳамда спортчининг иш қобилияти ва муваффақиятига таъсир этувчи ушбу сабаблар комплексининг ечимларини топишни талаб этади.

Машғулот ва мусобақалардан ташқари, спортчи энергия сарфини талаб этувчи бошқа ҳаракат турларини ҳам амалга оширади. Йилнинг икки мавсумидаги энергия сарфини таҳлил қилиш давомида дзюдочи спортчиларда қўйидаги натижалар қайд этилди (9 -расм).



9 -расм. Дзюдочи–спортчиларнинг қишки ва ёзги даврда энергия сарфини таҳлил қилиш натижалари

Кўриниб турибдики, қишки даврда ҳафта давомида бир машғулот учун энергия сарфининг фарқ қиймати I ва II гуруҳларда ($t=3,65$), I ва III тадқиқот гуруҳларида эса мос равишда ($t=6,05$) ташкил этди. Етти кун давомида умумий энергия сарфи орасидаги етарлича фарқ II ва III тадқиқот гуруҳларида ($t=2,31$) аниқланди. Ёзги мавсумда энергия сарфининг таҳлили I ва III гуруҳларда битта машғулот учун етарлича фарқ қиймати ($t=3,17$)га эга бўлиб, бир

хафталик машғулотларда ҳам фарқ ($t=2,09$) аниқланди. Бундан ташқари I ва II гуруҳларда ҳам энергия сарфининг бир машғулот учун фарқ қиймати ($t=2,64$) аниқланди. Дзюдочи – спортчиларнинг йилнинг икки мавсумидаги энергия сарфининг қиёсий таҳлилида фарқ қиймати ($t=2,06$) II гуруҳда аниқланди.

